2012 йил 4 июль, чоршанба

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 131 (12.192)

Баҳоси эркин нархда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Иқтисодиёт



## ИСТИҚБОЛЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ЁРДАМИДА

***Моддий ресурсларни такроран яратишда ишлаб чиқариш чиқиндиларидан фойдаланиш ва уларни ишлатиш, мамлакат иқтисодиётининг хом ашё базасини кенгайтириш товар ишлаб чиқарувчилар моддий таъминоти барқарорлигининг ошишига, хом ашё, моддий ва ёқилғи-энергетика ресурсларидаги йўқотишларни анча қисқартиришга шароит яратади.***

Иккиламчи рангли металларни қайта ишлаш бўйича Марказий Осиё ва Қозоғистондаги яккаю ягона ихтисослашган корхона ҳисобланган «Тошрангметзавод» очиқ ҳиссадорлик жамияти кўркам пойтахтимизда жойлашган. Республиканинг барча минтақаларида унинг филиаллари, шўъба корхоналари фаолият кўрсатмоқда.

— Корхона бугунги кунда «Тошрангметзавод» ОАЖ бутун Республика бўйлаб тайёрлов ташкилотларининг сертармоқ шохобчаларига эга бўлган ва Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг барча соҳаларини сифатли рангли металл билан таъминлаб келаётган замонавий корхоналардан бўлиб, бунга замонавий асбоб-ускуналар, энг янги истиқболли технологиялар ва юқори малакали ходимларнинг мавжудлиги кенг имкониятлар яратмоқда, — дейди завод директори Фарҳод Абдуллаев. — Бугунги кунда бозор иқтисодиёти шароитларида корхонанинг аниқ стратегияга эга эканлиги истиқболдаги ривожланиш учун ишончли кафолатни таъминламоқда. Биз барча манфаатдор корхоналар ва савдо ташкилотлари билан ҳамкорликни исталган шаклда олиб боришга тайёрмиз.

(Давоми 2-бетда)



## ИШОНЧ ЁРЛИҚЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Ўзбекистон Республикасининг Испания Қироллигидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Дилшод Аҳатов (қароргоҳи Берлинда) ушбу мамлакат қироли Хуан Карлос I га ишонч ёрлиқлари топширди.

Маросим доирасида бўлиб ўтган мулоқот чоғида Ўзбекистон Республикаси ва Испания Қироллиги ўртасида сиёсий, савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳалардаги икки томонлама муносабатларнинг ҳозирги ҳолати ва истиқболлари муҳокама қилинди.

Испания Қироли икки мамлакат ўртасидаги чуқур тарихий илдизларга эга ҳамкорликнинг ижобий натижаларини қайд этиб, Ўзбекистон билан дўстона ва кўп қиррали алоқаларни юқори баҳолади ҳамда турли соҳалардаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада чуқурлаштириш ва кенгайтириш учун томонлар улкан салоҳиятга эгалигини таъкидлади.

Испания Қироли Хуан Карлос I бутун ўзбек халқига чин дилдан фаровонлик ва муваффақиятлар тилади.

**«Жаҳон» АА**

***Президентимиз Ислом Каримовнинг 2012 йил 27 февралда қабул қилинган «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури тўғрисида»ги Қарори мамлакатимизда оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, халқимиз фаровонлигини таъминлашда муҳим омил бўлмоқда.***

2012 йил — Мустаҳкам оила йили

## ОИЛАЛАР ФАРОВОНЛИГИ ЙЎЛИДА

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳамкорликда амалга ошираётган «Оилавий тадбиркорликдан – мустаҳкам оилага» лойиҳаси ҳам ана шу эзгу мақсадга хизмат қилади.

Ушбу лойиҳанинг пойтахтимизда ўтказилган тақдимот маросимида депутатлар, Марказий банк, тижорат банклари, Савдо-саноат палатаси, «Тадбиркор аёл» ишбилармон аёллар ассоциацияси раҳбарлари, тадбиркорлар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси раиси А.Шайхов, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси сиёсий кенгаши ижроия қўмитаси раисининг ўринбосари М.Акрамова ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган кучли ижтимоий сиёсат оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, аёлларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш, оилавий бизнесни ривожлантириш ва халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилаётганини таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки кичик бизнесни қўллаб-қувватлашни мувофиқлаштириш департаменти директори А.Сайфуллаевнинг айтишича, юртимизда аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш мақсадида 2011 йилда 335 миллиард сўмдан ортиқ маблағ ажратилган бўлиб, жорий йилда бу кўрсаткич 365 миллиард сўмга етиши мўлжалланмоқда. Мазкур маблағлар минглаб аёлларнинг бизнес лойиҳаларини амалга оширишга, кўплаб янги иш ўринлари яратишга йўналтирилади.

«Оилавий тадбиркорликдан – мустаҳкам оилага» лойиҳасидан кўзланган асосий мақсад ҳам хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги ва ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, уларда тадбиркорлик ва ишбилармонлик кўникмаларини шакллантириш, шу орқали оилавий бизнесни ривожлантириш ва чекка ҳудудларда яшаётган хотин-қизларни жамият ҳаётидаги иштирокини фаоллаштиришдан иборатдир.

«Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури ижроси юзасидан амалга оширилаётган мазкур лойиҳа доирасида «Оилавий тадбиркорлик – аёллар бандлигини таъминлашнинг муҳим омили!», «Оилавий тадбиркорлик фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш масалалари», «Бизнес-режа тузиш ва уни техник-иқтисодий жиҳатдан асослаш», «Тадбиркорлик фаолиятига тааллуқли қонун ва ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар билан таништириш ва улар билан ишлаш» каби мавзуларда давра суҳбатлари ўтказиш кўзда тутилган.

Айни вақтда ўз ишини бошламоқчи бўлган хотин-қизлар учун туман ва шаҳарлар, вилоят ҳамда мамлакат миқёсида ўқув-семинарлар ташкил этилади. Тижорат банклари томонидан энг яхши бизнес-лойиҳа эгаларига кредит олиш имконини берувчи сертификатлар топширилади. Бу аёлларга, фарзанд тарбиясидан узилмаган ҳолда, жамиятнинг фаол аъзоси сифатида ижтимоий-иқтисодий соҳалар ривожига муносиб ҳисса қўшиш имконини беради.

Тақдимот иштирокчилари лойиҳани амалга ошириш механизмлари ва молиявий манбалари, аҳолининг бандлик даражасини ошириш масалаларига оид барча саволларга жавоб олди.

**Сайёра ШОЕВА,**
**ЎзА мухбири**

XXI аср садоси
Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**• Наманган санъат коллежида битирувчиларга мутахассислик дипломини топширишга бағишланган тантанали тадбир бўлиб ўтди. Вилоят ҳокимлиги, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ҳамда меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармалари ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур маросимда давлат ва нодавлат ташкилотлари вакиллари, ўқувчи-ёшлар ва уларнинг ота-оналари иштирок этди.**

**• Қарши туманидаги «Wood Dekor Production» Ўзбекистон — Буюк Британия қўшма корхонасида мебеллар учун меломилланган ламинат қопламали материаллар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Бунинг учун дастлаб Хитой Тараққиёт банкининг 570 минг АҚШ долларидан ошиқ кредити эвазига замонавий ускуналар келтирилди ва 20 киши ишга қабул қилинди.**

**• «Каттақўрғон ёғ-мой» очиқ турдаги акциядорлик жамиятида 350 минг АҚШ долларилик модернизациялаштириш ишлари амалга оширилгач, иш кўлами янада ошди. Айни чоғда 12 киши меҳнат қилаётган цехда кунига 30 тонна ёғ тайёрланиб, мижозларга етказиб берилмоқда.**

**• Бухоро вилояти «Матбуот тарқатувчи» шўъба корхонаси томонидан «Энг моҳир матбуот тарқатувчи» кўрик-танлови ўтказилди.**

**• Сирдарё туманидаги «Шоҳруҳ-Шаҳриёр-Шоҳжаҳон» МЧЖ томонидан 200 кишига мўлжалланган овқатланиш мажмуаси ишга туширилди. Бунинг учун Халқ банки томонидан ажратилган 200 миллион сўмлик банк кредити ҳамда корхонанинг 50 миллион сўмлик маблағи йўналтирилди. Натижада 20 га яқин иш ўрни яратилди.**

### ЖАҲОНДА

**• Франциянинг «Air France» авиакомпанияси жаҳон бўйлаб давом этаётган молиявий-иқтисодий инқироз таъсири ҳамда иқтисодий зарарлар салмоғини камайтириш учун иш ўринларини қисқартиришга қарор қилди. Авиакомпания маъмуриятининг маълум қилишича, 2013 йил охирига бориб 10 фоиз ходим — 5 мингдан ортиқ ишчи ишдан бўшатилади. Мақсад авиакомпания харажатларини қисқартириш ва даромадини оширишдан иборат.**

**• Япониялик олимлар антиқа турар жой биноси лойиҳасини яратдилар. Унинг бошқа уйлардан фарқли жиҳати шундаки, ушбу турар жой биноси электр таъминоти тизимини мустақил бошқара олади. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш мақсадида қурилажак бундай уй томига қуёш нуридан тўғри фойдалана оладиган панеллар, махсус ёқилғи элементлари ҳамда электр энергияси тўплагичи ўрнатилади. Бу ҳавога чиқаётган заҳарли газларни саксон фоизга қисқартиради. Мутахассисларнинг фикрича, йилнинг қайси мавсуми бўлишидан қатъи назар, бинога ўрнатилган махсус электрон асбоблар уни иссиқлик ва ёруғлик энергияси билан керакли миқдорда таъминлаб туради.**

**• Швейцария олимлари фалаж хасталигини даволайдиган янги препарат яратдилар. Ушбу дори воситаси бош мияга қон қуйилиши оқибатида ишлаш фаолияти тўхтаган тана аъзоларига қайта «жон» бағишлайди. Экспертларнинг сўзларига қараганда, олиб борилган тадқиқотлар жараёнида мазкур хасталикка чалинган айрим беморлар физиотерапия курслари билан шуғулланиш баробарида янги препаратни ҳам истеъмол қилган. Уч ойлик даволаниш курси натижасида тана аъзолари фаолиятини қарийб икки марта фаоллаштиришга эришилган.**

### ҚИСҚА САТРЛАРДА

***Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.***

✓ **БУГУН** Тошкент Давлат техника университети ҳузуридаги 5-сонли академик лицейда битирувчиларга диплом топшириш маросими бўлиб ўтди.

✓ **КЕЧА** Маънавият тарғибот маркази Учтепа тумани бўлими томонидан «Журжоний» маҳалласида «Тақдиримсан, бахтимсан эркин ва обод Ватан!» мавзуида давра суҳбати ўтказилди.

✓ **ЎЗБЕКИСТОН** Бадиий академиясида мамлакатимиз мустақиллигининг 21 йиллик байрамига бағишланган Оролбўйи мусаввирлари асарлари кўргазмаси намойиш этилди.

✓ **МИРЗО УЛУҒБЕК** номидаги маданият ва истироҳат боғида «Камолот» ЁИҲ томонидан ташкил этилган фестиваль «Биз буюк юрт фарзандларимиз!» деб номланди.

Фан

## ХАЛҚАРО ДОИРАДА ЭЪТИРОФ ҚИЛИНДИ

***Ядро физикасида «Квонт нуқталари модели» ибораси тез-тез тилга олинади. «Норелетивистик ва релетивистик заррали тизимларда классик ва квонт-хавус» деб номланган тадқиқот ҳам юқорида тилга олинган модель доирасида амалга оширилди.***

Изланувчан олим Санъат Авазбоев танлаган тадқиқот мавзуси ҳам кўпчиликнинг эътиборини ўзига тортади. Яратилган технологиялар жуда ҳам ихчамлашиб, ҳажм, оғирлик ва энергетикадан тежаб қолиш имконияти пайдо бўлади.

Тадқиқотни чуқурлаштириш мақсадида олим «Ёш олимлар учун» гранти асосида иш олиб борди. У бир йил давомида Франциянинг Мария Кюри университетида малака оширди. Муаллиф ўз тадқиқотлари билан «Ночизиқлик динамик ва фундаментал ўзаро таъсирлар» деган мавзуга бағишланган халқаро конференцияда иштирок этди. Германиянинг Хайделберг университети ҳамда Японияниг Осака университети олимлари ўзбек тадқиқотчисининг илмий ютуқлари билан қизиқиб, ҳамкорликда ишлаш истагини билдирдилар. Бу эса С.Авазбоев ишлаб чиққан мавзунинг халқаро аҳамияти эга эканлигидан далолат бериб турибди.

***Фармакологик лаборатория Биоорганик кимё институтининг асосини ташкил қилади. Ўзбекистон Фанлар академияси тасарруфидаги бу илмий муассасада амалга оширилаётган тадқиқотларнинг аксарияти мазкур лаборатория шароитида синовдан ўтказилади.***

## ТИББИЁТ ТИЗИМИГА ЖОРИЙ ЭТИЛДИ

Зеро, фармакология лабораторияси фаолияти давомида қанчадан-қанча тажрибалар ўтказилади. Булар орасида намуна сифатида тавсия қилинаётган препаратларнинг юзага келишида ҳам бундай жараёнларнинг аҳамияти катта.

Институт матбуот хизматининг маълум қилишича, тажрибалар асосан, стандарт кўринишида бўлиб, синалаётган препаратни тадқиқ этиш мақсадида ўтказилади. Масалан, иммунитетни ошириш мақсадида тавсия қилинган «Тимоптин» препарати сичқон организмига юборилгач, уларнинг иммунитети фаоллашади. Якуний хулоса илмий ходимлар томонидан расмийлаштирилиб, институт олимларига тақдим этилади. Биоорганик характердаги маҳаллий хом ашёлар иштирокида дори-дармон воситаларини ишлаб чиқиш борасида ҳам бой тажриба орттирилди. Чигит таркибида оз миқдорда учрайдиган госсипол моддасининг шифобахш хусусияти илк маротаба дунё миқёсида институт олимлари томонидан кашф қилинди. Гап шундаки, технологик лабораторияда чигитдан олинган қорамойни қайта ишлаш ва экстракция қилиш натижасида ажратиб олинган госсиполнинг вирус ва микробларга қарши бир талай хоссалари ўрганилди. Клиник шароитда синовдан ўтказилган бу доривор воситалар соғлиқни сақлаш тизимига жорий этилди.

**Аҳмад АББОСОВ**

Қарор ва ижро

## ТАДБИРКОР ҲУҚУҚЛАРИ ДАВЛАТ ҲИМОЯСИДА

***Мамлакатимизда тадбиркорлик билан шуғулланиш истагида бўлган барча шахслар учун кенг кўламдаги имкониятлар яратилаётир. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 7 февралдаги Қарори билан тасдиқланган «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастурини ҳам айнан ушбу соҳада олиб борилаётган ислоҳотларнинг қонуний ҳимояси дейиш мумкин.***

Дарҳақиқат, мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантириш, ушбу соҳада фаолият юритаётган шахсларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг ишончли ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш борасида қатор қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Шу билан бир қаторда, алоҳида давлат идораларига, янгидан ташкил этилган тузилмаларга ушбу қонун ҳужжатларининг амалда тўғри ва тўлиқ ижро этилиши юзасидан назоратни амалга ошириш, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқларини бузган ва манфаатларига зиён етказган мансабдор шахсларга нисбатан қонуний чоралар қўлланилишини таъминлаш вазифаси юклатилди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик билан шуғулланаётган субъектларнинг қонуний ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларини янада мустаҳкам ҳимоя қилиш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 19 мартдаги «Адлия органларида махсус «Ишонч телефони» ташкил этиш тўғрисида»ги қарорининг қабул қилингани ҳам бугунги кунда ўз самарасини кўрсатаётир.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармаларида ташкил этилган ушбу махсус «Ишонч телефон»ларининг асосий мақсади давлат, хўжалик бошқаруви органлари, шу жумладан назорат органлари ва лицензияловчи органлар ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, бошқа ташкилотлар мансабдор шахсларининг ноқонуний хатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги)га қарши курашишдан иборат. Яъни, «Ишонч телефони» орқали тадбиркорлик билан шуғулланаётган субъектларни давлат рўйхатидан ўтказишнинг ҳамда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун зарур рухсат берувчи ҳужжатлар беришнинг белгиланган муддатлари ва тартибига риоя қилинмаслиги масалалари бўйича, шунингдек, уларга кредит ва молия ресурслари беришнинг ноқонуний рад этилиши ёки бериш тартиб-қоидаларининг асоссиз чўзиб юборилиши юзасидан ва бошқа масалалар бўйича мурожаатларини қабул қилади ва белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

Юқорида қайд этиб ўтилганидек, ушбу усул кишиларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишда ўзининг қулайлиги ва самарадорлигини намоён этмоқда. Шу билан бирга, аввало инсонларнинг қонун доирасида белгиланган ўз шахсий бизнесларини юритишда ваколати бўлмаган шахсларнинг аралашувини чеклашда қўл келаётир. Бугунги кунда бу борада тадбиркорлар томонидан кўплаб қўнғироқлар амалга оширилмоқда.

Масалан, Тошкент вилояти, Бекобод тумани, «Алимқулов Қурбонали» деҳқон хўжалиги раҳбари Қ.Алимқулов ОАТБ «Агробанк»нинг Зафар филиали томонидан кредит ажратилмаётганлигидан норози бўлиб, Тошкент вилояти Адлия бошқармаси «Ишонч телефони»га 2011 йил 7 декабрда мурожаат қилган.

Ўрганиш натижасига кўра, ОАТБ «Агробанк» Тошкент вилоят бошқармасига 2012 йил 5 январда тақдимнома киритилди. Киритилган тақдимномага асосан 2012 йил 24 январда ОАТБ «Агробанк» Тошкент вилоят бошқармаси бошлиғининг 1-сонли буйруғи билан филиал кредитлаш бўлими бошлиғига «хайфсан» интизомий жазо чораси қўлланилди ва тадбиркорлик субъектига 10 млн. сўм миқдорида кредит ажратилиши таъминланди.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, бугунги кунда оила мустаҳкамлигини таъминлаш, касб-ҳунар коллежларини битирган ёшларни иш билан таъминлаш мақсадида ва юрт тараққиёти йўлида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш, ишбилармонларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, шунингдек уларнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш борасида қабул қилинган қонун ҳужжатлари ва шакллантирилган ҳуқуқий ҳимоя тизими мамлакатимизда тадбиркорлар давлат ҳимоясида деб айтишимизга тўлиқ асос бўлади.

**Зафар МУСТАФОҚУЛОВ,**
**Шокир РАФИҚОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бошқармаси бош маслаҳатчилари**

## КАТТА ҲАЁТГА ЙЎЛЛАНМА ОЛИШДИ

***Ўзбекистонда автомобиль ва йўл соҳалари учун замон талаблари даражасида юқори малака ва илмий салоҳиятга эга бўлган мутахассисларни тайёрлаш долзарб вазифалардан ҳисобланади.***



Тошкент автомобиль ва йўллар институти юртимизда автомобиль транспорти, йўл корхоналари ва автомобилсозлик заводлари учун бакалавр ва магистрлар тайёрлайдиган етакчи олий ўқув юртидир.

Талаба-ёшларнинг пухта билим олиб автотранспорт ва йўл хўжалиги соҳасида мутахассис бўлиб етишишлари учун барча қулайликлар яратилган. Тошкент автомобиль ва йўллар институтида таълим жараёнида энг илғор педагогик тажрибалардан кенг фойдаланилмоқда. Ўз мутахассислиги бўйича тегишли корхона, ташкилот ва муассасаларда меҳнат фаолиятини бошлайдиган ёшларнинг қувончи чексиз.

Бу йил институтнинг 863 нафар талабаси бакалавр, 107 нафар йигит-қиз магистратура босқичи бўйича соҳа мутахассислигига эга бўлди. Шу муносабат билан кеча битирувчиларга тантанали равишда дипломлар топшириш маросими бўлиб ўтди. Тадбирни институт ректори профессор Мурат Икрамов кириш сўзи билан очди.

Тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистонда Халқаро юк ташиш ассоциацияси раиси Қаҳрамон Сидиқназаров, «Ўзавтойўл» ДАК бўлим бошлиғи Воҳид Агзамов, институтнинг маънавият ва маърифат бўлими бошлиғи Насрулло Мамаджанов ва бошқалар битирувчиларни табриклар эканлар мамлакатимизда Президентимиз ташаббуси билан автомобилсозлик ва транспорт коммуникациялари соҳасида амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари ҳақида тўхталиб ўтишди.

Келажакда бугунги битирувчиларни ҳам ана шундай салмоқли ишлар кутиб турганини ва иқтисодиётимизнинг мазкур реал сектори корхоналарида ўз йўналишларида фаолият олиб боришаркан, устозларидан олган билимларни янада оширишлари, бор куч ва маҳоратларини ишга солиб, мамлакатимизни янада ривожлантиришга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшишга даъват этишди.

Талабаларнинг ота-оналари номидан сўзга чиққан Фотима Гарифуллина ҳам барча устозларга миннатдорчилик билдириб, фарзанди Руслан Носировнинг олий даргоҳни тугатаётганлигидан хурсанд эканлигини айтиб, барча битирувчиларнинг келгуси ўқиш ва ишларида улкан зафарлар тилади.

Битирувчилар номидан эса Транспорт ва транспорт коммуникациялари бошқаруви факультети талабаси Миршод Бурхонов сўзга чиқиб талабаларга дарс бераётган, уларнинг етук мутахассис бўлиб етишишларида бор билим ва маҳоратларини ишга солиб ҳаётга йўлланма берган барча профессор-ўқитувчиларга самимий миннатдорчилик билдирди.

Шундан сўнг битирувчиларга тантанали равишда дипломлар топширилди.

**Дилмурод ИСМОИЛОВ**

***Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, уларга тадбиркорлик салоҳиятини рўёбга чиқаришда кўмаклашишда тижорат банкларининг иштироки катта бўлмоқда. Ёш оилаларнинг турмуш фаровонлигини ошириш бўйича аниқ чора-тадбирлар кўрилаётганлиги ҳам эътиборга лойиқдир.***

Банк

## ЁШ ОИЛАЛАРГА ИСТЕЪМОЛ КРЕДИТЛАРИ

— Ҳар бир тижорат банкида «Ёш оилаларга истеъмол кредитлари» дастури тайёрланди, — дейди Ўзбекистон Республикаси Марказий банки кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш департаменти директори А.Сайфуллаев.

— Имтиёзли кредит бериш махсус жамғармаси маблағлари ҳисобидан ажратиладиган имтиёзли кредит кичик тадбиркорлик субъектларининг юқори технологияли инновация лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтирилади.

«Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури бўйича аҳолининг, айниқса, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантириш юзасидан ҳамкор ташкилотлар билан амалий учрашув ва семинарлар ташкил этилмоқда.

Касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг бизнес-режаларини имтиёзли шартлар асосида молиялаштиришга киришилди.

**Анвар ВАЛИЕВ**

## ИСТИҚБОЛЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ЁРДАМИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Қотишмаларни ишлаб чиқаришнинг технологик жараёни ҳақида тўхталганда, у «Ўзиккиламчиранглиметалл» ОАЖда иккиламчи алюминий қотишмалари ишлаб чиқариш, иккиламчи рангли металл парчалари ва уларнинг қотишмалари чиқиндиларини ишлаб чиқаришга тайёрлаш ва бевосита қайта ишлаш жараёнини ўз ичига олади. Асосий тайёрлаш операцияларига эса тарозида ўлчаш, саралаш, тақсимлаш, идишларга жойлаш ва металл қириндиларини қуритиш ва магнит ишловидан ўтказиш кабилар киради.

Корхонада рангли металл чиқинди ва парчалари ҳамда уларнинг қотишмаларини тушириб олиш, сархиллаш, сифатлаш, халталарга жойлаш, иккиламчи металлни қайта ишловчи жиҳозларга ортиш, уларга олов билан ва механик ишлов бериш, шунингдек, мулдани печларга сслиш чоғида улар портлаш хавфсизлиги талабларига мувофиқ мажбурий равишда назоратдан ўтказилади.

**Фаррух БАҲРОМОВ**
**Козим Ўлмасов олган суратлар**

## Сўранг, жавоб берамиз

**Савол: Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш ниятидаман. Шунга кўра тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари нималардан иборатлиги ҳақида тушунтириш бериб ўтсангиз.**

**О.Аҳмедов,**
**Юнусобод тумани**

**Жавоб:** «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонунга асосан, тадбиркорлик фаолияти субъектлари қуйидагиларга ҳақли:

қонун ҳужжатларига мувофиқ ўзига тегишли мол-мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш;

мустақил равишда ишлаб чиқариш дастурини шакллантириш, маҳсулот етказиб берувчиларни ва ўз маҳсулотининг (ишлари, хизматларининг) истеъмолчиларини танлаш;

тадбиркорликдан чекланмаган миқдорда даромад (фойда) олиш ва уни ўз ихтиёрига кўра тасарруф этиш. Товарлар (ишлар, хизматлар) бозорида устун мавқени эгаллаб турган тадбиркорлик фаолияти субъектлари бундан мустасно;

ўз маҳсулотини (ишлари, хизматларини), ишлаб чиқариш чиқиндиларини бозор конъюнктурасидан келиб чиқиб, мустақил равишда белгиланадиган нархлар ва тарифлар бўйича ёки шартнома асосида реализация қилиш, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно;

бинолар, иншоотлар, ускуналар ва бошқа мол-мулкни олиш ва (ёки) ижарага олиш, шу жумладан, лизинг йўли билан;

белгиланган тартибда ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқларига эга.

Шунингдек, тадбиркорлик фаолияти субъектлари: ўзлари тузган шартномалардан келиб чиқадиган мажбуриятларни бажаришлари, ёллаш асосида жалб этилган ходимлар билан ўз вақтида ҳисоб-китоб қилишлари, хавфсизлик, экология, санитария, гигиена ва меҳнатни муҳофаза қилиш талабларига риоя этишлари, реализация қилинадиган товарлар учун қонун ҳужжатларига мувофиқ сертификатларга эга бўлишлари, почта манзили ва бошқа реквизитлари ўзгарганлиги тўғрисида тегишли давлат органларини ўз вақтида хабардор қилишлари, бухгалтерия, тезкор ва статистика ҳисобини қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ юритишлари, ўз фаолиятлари тўғрисидаги ҳисоботларни тегишли органларга белгиланган тартибда ва муддатларда тақдим этишлари шарт.

**Асқарали УМАРОВ,**
**Тошкент шаҳар хўжалик суди судьяси**

* * *

**Савол: Деҳқон хўжалиги фаолияти қандай тартибда амалга оширилади ва ёлланма меҳнатдан доимий асосда фойдаланишим мумкинми?**

**А.Абдураҳмонов,**
**Олмазор тумани**

**Жавоб:** Ўзбекистон Республикасининг «Деҳқон хўжалиги тўғрисида»ги Қонунига кўра, деҳқон хўжалиги оилавий майда товар хўжалиги бўлиб, оила аъзоларининг шахсий меҳнати асосида, мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш учун оила бошлиғига берилган томорқа ер участкасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштиради ва реализация қилади.

Деҳқон хўжалигидаги фаолият тадбиркорлик фаолияти жумласига киради ҳамда деҳқон хўжалиги аъзоларининг истагига кўра у юридик шахс ташкил этган ҳолда ва юридик шахс ташкил этмасдан амалга оширилиши мумкин.

Деҳқон хўжалиги ўз фаолиятида ёлланма меҳнатдан доимий асосда фойдаланиши мумкин эмас.

Деҳқон хўжалиги аъзолари жумласига биргаликда яшаётган ва деҳқон хўжалигини биргаликда юритаётган оила бошлиғи, унинг хотини (эри), болалари, шу жумладан фарзандликка олинган болалари, тарбияга олган болалари, ота-оналари, меҳнатга қобилиятли ёшга етган бошқа қариндошлари киради.

Юридик ва жисмоний шахслар билан ўзаро муносабатларда деҳқон хўжалиги номидан шу хўжалик бошлиғи иш кўради.

Деҳқон хўжалиги бошлиғи қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ер участкасига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи берилган оила бошлиғи ёки оиланинг муомалага лаёқатли аъзоларидан биридир.

Деҳқон хўжалигининг бошлиғи вақтинча меҳнат қобилиятини йўқотган тақдирда ёки узоқ вақт бўлмаганда у ўз мажбуриятларини бажариш ваколатини шу хўжалик аъзоларидан бирига беришга ҳақлидир.

Деҳқон хўжалигини давлат рўйхатига олиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади. Деҳқон хўжалигига Ер участкасига умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини берувчи давлат ҳужжати ҳамда давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги белгиланган намунадаги гувоҳнома берилади.

**Шухрат ПОЛВАНОВ,**
**Тошкент шаҳар хўжалик суди судьяси**

# ОИЛА — ЖАМИЯТ ПОЙДЕВОРИ

Пиру бадавлатларимиз

## МУСТАҲКАМ ОИЛА — КЕЛАЖАК БЕШИГИДИР

***Оила муқаддас даргоҳ, ёш оила эса гўёки навниҳолдир. Унинг илдиз отиши, мустаҳкам дарахтга айланиши учун ҳар икки томондан эътибор ва масъулият, ўзаро ишонч талаб қилинади.***



Юнусобод туманидаги «Тинчлик» маҳалласида истиқомат қилувчи Маматқул ота ва Раънохон аяларнинг уйларига ташриф буюрганимизда, хонадоннинг хурсандчилик ва файзу баракага тўла эканлигига шоҳид бўлдик. Улар 51 йилдан буён оила дея аталмиш муқаддас даргоҳда биргаликда умргузаронлик қилиб келишмоқда. Маматқул ота ва Раънохон ая ҳалол меҳнатлари эвазига фарзандларини ўқимишли, уйли-жойли, касб-ҳунарли этиб, вояга етказишди. Ҳозирда уч ўғил ва икки қизнинг ота-онаси ва ўнта набираларнинг меҳрибон бобожониси ва бувижонисидирлар.

— Оиланинг мустаҳкам бўлиши, — дея сўз бошлади Раънохон ая, — аёлнинг оилада тутган ўрнига боғлиқ. Чунки, фарзанд тарбияси кўпроқ аёл кишининг зиммасидадир. Унинг комил инсон бўлиб вояга етиши, ақл-идрокли ва тани сиҳатли бўлиши жамиятимиз учун муҳимдир. Аёл оиласига қанчалик кўп меҳр берса, шунча кўп эътибор қозонади, умр йўлдошини ҳурматласа, эъзозласа, икки ўртада бир-бирига бўлган меҳр-муҳаббат, ўзаро ишонч янада мустаҳкамланиб боради.

Улар билан биргаликда дастурхон атрофида ширindan шакар набиралари даврасида ҳамсуҳбат бўлар эканмиз, баҳри дилимиз очилди.

— Бугунги кунда мамлакатимиз ҳар соҳада жадал ривожланмоқда, — дея суҳбатимизга қўшилди Маматқул ота. Юртбошимиз ташаббуси билан ёшларимизга кўп имкониятлар берилмоқда. Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо, шунинг ўзи бир катта бахт эмасми? Болаларимизга айтмоқчиманки, ҳаётнинг қадрига етинг. Вақтдан унумли фойдаланинг, шунда умрингиз бесамар кетмайди. Оиламиз бахти, тинчлиги ўз қўлимизда. Уйланмаганларга одобли келин, турмушга чиқмаганларга барваста куёв, турмуш қурган оилаларга соғлом фарзандлар тилаб қоламан, 5 та фарзандимиз ҳам ҳаётда ўз касбининг моҳир усталарига айланган. 3 та келиним бор. Мана бу йил «Мустаҳкам оила йили». Оилаларимиз ҳам маънавий, ҳам моддий жиҳатдан мустаҳкам бўлиб бораверсин. Ҳозирги дориломон кунларнинг қадрига етмоғимиз, ҳар бир ўтаётган кунимизга шукрона айтмоғимиз шарт. Зеро, бундай нурли, обод ва жаннатмакон юртда яшашнинг ўзи бахтдир.

Қутлуғ хонадондан қайтар эканмиз, Маматқул ота ва Раънохон аянинг яхши ниятга тўла дуоларини олишга мушарраф бўлдик.

Мақоламиз сўнгида биз ҳам уларга тани сиҳатлик, узоқ умр ва набираларнинг энг қувончли ва бахтли кунларини кўришларини тилаб қоламиз.

**Шоҳсанам БЕРДИБЕКОВА**

**СУРАТДА: Маматқул ота ва Раънохон ая набиралари даврасида**
**Козим Ўлмасов олган сурат**

Назм

### МУҚАДДАС ҚЎРҒОНИМ

*Интилиб чопганим,*
*Кам-кўстим ёпганим,*
*Бахтимни топганим*
*Мустаҳкам оилам.*

*Қалбга ўт солганим,*
*Бир коса ёвғоним.*
*Муқаддас қўрғоним,*
*Мустаҳкам оилам.*

*Кўз нурим — қароғим,*
*Порлаган чироғим.*
*Ватаним — чорбоғим*
*Мустаҳкам оилам.*

*Суйганим — дилбандим,*
*Илдизим — пайвандим.*
*Ўғил-қиз фарзандим.*
*Мустаҳкам оилам.*

*Эл обод — юрт обод,*
*Юргаймиз саломат.*
*Яшнагай то абад*
*Мустаҳкам оилам.*

*Азиздир нон — ошим,*
*Эгилмас ҳеч бошим.*
*Қўллагай Юртбошим,*
*Мустаҳкам оилам.*

**Равшан ИСОҚОВ**

## КЕКСАЛАРИМИЗ ЎГИТЛАРИ БЕБАҲО ДУРДОНА

***Оила деган сўз замирида қанча-қанча маъно бор. У ҳақда фикр юритар эканмиз, жуда кенг муносабатларни ўз ичига олишини таъкидлаб ўтмоқ лозим. Сабаби, оилавий муносабатлар эр-хотин, ота-она ва фарзандлар, ака-укалар ва опа-сингиллар, бобо, буви ва неваралар ўртасидаги узвий боғлиқ муносабатларини қамраб олади.***

Бошқа миллатлардан фарқли ўлароқ, ўзбек халқи оилага бўлган масъулияти, оилани муқаддас деб билиши билан ажралиб туради. Гарчи оилавий муносабатлар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Оила кодекси ва бошқа қонун ҳужжатларида мустаҳкамланган бўлса-да, бизнинг миллатимиз оилага ахлоқ нормаларининг ёзилмаган қонунлари асосида, ўз тарбиясидан келиб чиқиб ёндошади. Деярли барчамизда мустаҳкам оила муносабатларини ўрнатишга интилишни кузатиш мумкин ва шунинг учун ҳам намунали оилаларимиз қатори кенгаймоқда. Ҳозирги кунда аксарият аёлларимизнинг турли соҳаларда фаолият юритиш билан бирга, фарзанд тарбияси, турмуш юмушларига ҳам вақт топаётганларини кўришимиз мумкин. Аммо статистика маълумотларига мурожаат қилиб, бугунги кунда Ўзбекистонда ажралишлар сонининг кам эмаслигига гувоҳ бўлишимиз мумкин. Жорий йилнинг январь-март ойларида ФҲДЁ органларида 57 минг никоҳ рўйхатдан ўтказилгани ҳолда, 5 мингта ажралишлар ҳам қайд этилган. Ушбу ҳисобга қараб ўйлаб қоламиз: оилавий масъулият деган тушунча бугунги кунга келиб, наҳотки ўз ўрнини йўқотиб бораётган бўлса? Бу ҳисоблар бугунги айрим ёшларнинг ҳаётга енгил қараётганларидан далолат берадики, улар ўз китобларида оила деб аталмиш янги саҳифани очиб, кўп ўтмай аллақандай сабабларга кўра биз бир умрлик деб ҳисоблайдиган ушбу саҳифани қайта ёпмоқдалар, уни қалин чизиқ билан ўчирмоқдалар.

Барчамиз бир оз муддат давом этаётган бундай никоҳларга кўплаб мисоллар келтиришимиз мумкин. Масалан, бир қиз яхши ниятлар билан турмушга чиқсаю, беш ой ўтар-ўтмас ўша уйда бошқа яшай олмаслигини айтиб ота-онасининг олдига кўз ёш қилиб қайтиб келса. Нима бўлди деб сўрашганда эса, турмуш ўртоғининг бошқа бировни севишини, у қизни унута олмаётганини, шу туфайли хотини билан яшашни истамаслигини айтиб ҳар куни ота-онасига жанжал қилаётганини айтса, тўйдан олдин эса худди шу йигит «Шу қиз менга ёқиб қолди, бундан бошқасига уйланишни истамайман» деб, қанча-қанча ваъдалар билан уйланган бўлса, бунга нима дейсиз? Ёки отасининг қистовига кўра, уларнинг раъйини қайтаролмай турмуш қуриб, кейинчалик турмуш ўртоғининг отаси «тузукроқ» жойда ишлагани ва у шаҳарда рўйхатда турганлиги туфайли, Тошкентда яшаб қолиш ҳамда қайнотаси орқали яхши жойга ишга кириб олиш учун турмушга чиққанини билса, бу ҳолга қандай муносабат билдира оласиз? Энг ажабланарлиси, бундай мисоллар кўплигидан ҳайрон қоласан киши. Шу вақт А.Шопенгаурнинг сўзлари ёдимизга тушади: уйланиш ўз ҳуқуқларини икки марта камайтириб, мажбуриятларини эса икки баробар ошириш демакдир. Айрим йигитларимиз ана шу — ўзининг оиласи олдидаги мажбуриятларини унутиб қўйдилар чоғи? Ота-оналаримизнинг ҳам бу ҳолатларга оддий қараб, ўз фарзандларининг қарорини оқлашлари тўғримикан?

Нега шундай пайтларда бир инсоннинг бахтсиз бўлишига сабабчи бўлаётганларини ёки ҳали дунёга келмаган чақалоқ, ёхуд ўзлари не умидлар билан дунёга келтирган фарзандлари, уларнинг келажаклари ҳақида ўйлашмайди? Фикримизча, бундай ноҳуш ҳолатларга сабаб ёшларимизнинг тарбиялари. Фитрат «Оила ёки оила бошқариш тартиблари» номли асарида: «Ҳар жиҳатдан соғлом бўлган оилада етишиб чиққан фарзандларгина миллатни юксакликка кўтара олади. Жисмоний, ақлий ва ахлоқий тарбия уйғунлигида ҳақиқий инсон камол топади», дейди. Шундай экан назаримизда, ёшларимизнинг оилага бўлган муносабатларини кичиклигидан шакллантириш керак.

Шу сабабли ота-оналаримиз ҳамда кексаларимиз ёшларимиз онгига оила, меҳр-муҳаббатнинг муқаддас эканлигини сингдира олишса, оила мустаҳкамлиги ва мамлакатимиз барқарорлигини таъминлаган бўлар эдилар. Шундагина улар яшайдиган уй шунчаки турар жой эмас, ҳар доим қайтишга интиладиган макон бўлади.

**Камола ИСАХАНОВА,**
**Ўзбекистон Давлат санъат институти 1-босқич талабаси**

## СЕН ҲАЁТГА КЕРАКСАН...

Муҳаббатдан бунёд бўлдинг. Ҳали туғилмасингданоқ борлиқни ҳис эта бошладинг. Ёруғ тонгларнинг бирида эса «Ассалом, ҳаёт! Мени кутиб ол, дунё!» дея ҳайқирдинг. Сени оппоқ йўргакка ўраб меҳрли олам сари узатдилар. Аллаларнинг сеҳрли оҳангларидан вужудинг ҳам, шууринг ҳам яйрайди. Онангнинг оқ сути шифолар бахш этди, соғлом туйғу билан тириклик оламига янада кўпроқ боғландинг.

Ўсиб-улғаяр экансан, бир ҳақиқатни асло унутма. Ҳаётингнинг илк соатларидан то биринчи қадамни ташлагунингча, чучук тилингда сўз бошлаб сўнг илк ҳарфни танигунингга қадар, кейин эса ўсмирлик ёшига етгунингча сен нафақат ота-онанг ва яқинларинг, балки азиз Ватан эътиборида ва ардоғида бўлдинг. Чунки бу заминда сенинг алоҳида ўрнинг бор, сен ҳаётга кераксан. Келажак сени кутаяпти, болажон!

## ОЛАМ УНИНГ КАФТИДА

Компьютер экранига тикилиб ўтирган кичкинтой эндиликда бир вақтлардаги каби лойдан ясалган уйчаларни эмас, балки чинакам саройлар тасвирини чизади. Унинг безакларию рангларини ҳам мана шу мураккаб қурилма ичидан излаб топади. Болакайларнинг интернет тармоғига уланиб, ер юзи бўйлаб «саёҳат» қилаётгани эндиликда бизни асло ҳайратга солмайди. Ўз сайтларини яратиб, жаҳоннинг нариги чеккасидаги мамлакатдан дўст орттирган кичкинтойлар ҳақида эшитсак ҳам ажабланмаймиз.

Ҳар соати муродбахш, сониялари нурафшон, лаҳзалари аро ҳурлик шабадалари эсиб турган янги даврнинг имконлари кичкинтойга оламни танитди, турли билимларни онгига жойлади, шуурини юксалтирди, жажжи қалбига буюк кашфиётлар ҳавасини солди.

Вақтлар келиб ўзбек болалари ўз билимдонлиги билан дунёни забт этсалар не ажаб!

## ҚАДРИЯТЛАРДА ҲИКМАТ КЎП

Ота ўғилларига кучлилик, мардлик ва фидойилик тарбиясини беради. Она қизларини орасталик ва гўзалликка ўргатади.

«Фарзанди кўз ўнгида ота эътиқод қилинадиган шахсга айланмас экан, бола тарбияси ҳеч вақт мукаммал бўлмайди» дейди бир аллома. «Ҳамма иззатлаган отани бола ҳурмат қилмаслиги асло мумкин эмас» дейди яна бири. Аслида Ватандан ғурурланиш ҳисси фарзанднинг отасига бўлган фахр туйғусидан сўнг бошланади!

Оналарнинг меҳри фарзандларни отага, отани эса оилага маҳкам боғлагувчи риштадир. Қачонки оила мустаҳкам экан, шундагина бола тарбияси бенуқсон бўлади.

Янги давр оналари миллат тараққиётининг жадаллашиши учун фарзандларининг ҳар томонлама соғлом бўлишини шарт деб биладилар. Ҳам жисман, ҳам маънан соғломлик тарбиянинг энг муҳим булоғи. Инчунун, маънавий-иқтисодий тараққиётимиз негизида ҳам болаларнинг тўла-тўкис илм олиши ва оила қадриятлари ётади.

Муҳими, юрт тинч ва обод. Ҳар гўшада яхшиликлар ҳақида сўз боради. Муҳити соз, маънан соғлом оилалар кўп, уларда билимдон ва иқтидорли фарзандлар ўсиб-улғаймоқда.

Ёш авлоднинг бахтли келажагига ишониб яшарканмиз, ҳаётимиз нурга тўлиб бораверади. Зеро, юксакликлар яқин, йўлимиз ёруғ, олдинда бизни истиқлолнинг янги мўъжизалари кутаяпти.

Ассалом, ёш авлод! Сен бугунги ҳаётга кераксан, олдинда келажак сени чорламоқда. Саодатли манзилларда учрашгунча омон бўлайлик.

**Гулчеҳра ЖАМИЛОВА**

Санъат

## БАСТАКОРНИНГ ЯНГИ СИМФОНИЯСИ

***Истеъдодли бастакор Ойдин Абдуллаева ижодида меҳр ва вафо, она-Ватанга садоқат руҳида ёзилган мусиқий асарлар етакчи ўрин тутади. Бу ижод намуналари нафақат мусиқа оламида, балки кино ва театр соҳасида ҳам ўзига хос жозиба касб этади.***

Бастакорнинг янги яратган симфонияси «Жадидлар хотираси» деб номланди. Ўзбекистон Давлат консерваторияси концерт залида янграган бу мусиқа республика симфоник оркестри репертуаридан ўрин олди. Томошабинларда яхши таассурот қолдирган мазкур симфония консерваториянинг навбатдаги концерт дастурига киритилди.

## ОРКЕСТР РЕПЕРТУАРИ БОЙИДИ

***Ўзбекистон Миллий симфоник оркестри репертуарида мумтоз ўзбек адабиёти намуналарига ёзилган йирик мусиқа асарлари ҳам анчагина. Алишер Навоийнинг «Хамса»сидан ўрин олган достон асосида яратилган «Сабъаи сайёр» симфоник поэмаси эса яқинда мухлислар эътиборига ҳавола қилинди.***

Диққатга сазовор томони шундаки, ёқимли куй ва жозибадор оҳангларга бой ушбу ижод намунаси истеъдодли ёш санъаткор, «Ниҳол» мукофоти совриндори Азиз Шоҳакимов дирижёрлигида кўтаринки руҳда янграды.

«Ўтмиш ва замон» симфонияси ҳам томошабинларда алоҳида таассурот уйғотди.

## ҚИЗҒИН ФАОЛИЯТ

***Ўзбекистон Давлат хор капелласи ўзининг янги концерт дастурини тайёрлади.***

Она диёрни мадҳ этувчи тароналардан ташкил топган мазкур концертда таниқли хушовоз артист Мансур Тошматов раҳбарлигидаги ижодий гуруҳ томонидан ижро этиладиган қўшиқлар яқинда Ўзбекистон Давлат консерваториясида илк бор тақдим этилди. Хор капелласи гастрол сафарларида ижро этиладиган концертлар устида қизғин иш олиб бормоқда.

**Акбар АЛИЕВ**

## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Тошкент вилояти педагогика коллежи 2012-2013 ўқув йили учун қуйидаги фанлар ўқитувчилари учун

**ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:**

- Инглиз тили ўқитувчиси 2 ставка
- Математика, физика (рус, ўзбек гуруҳлари учун) 1 ставка
- Тасвирий санъат 2 ставка
- Ҳуқуқшунослик 1 ставка
- Тарих 1 ставка

Танловда олий маълумотли, малака тоифаси катта ўқитувчидан кам бўлмаган, ўрта махсус касб-ҳунар таълим тизимида камида 3 йил ишлаган ўқитувчилар қатнашиши мумкин.

Қуйидаги ҳужжатлар тақдим қилиниши шарт:
1.Паспорт.
2.Маълумоти тўғрисида диплом.
3.3х4 фото сурат 6 дона.
4.Меҳнат дафтарчаси.

**Коллеж манзили: Тошкент шаҳри, М.Улуғбек тумани, Темур Малик кўчаси, 112-уй, 149, 49-автобуслар.**

**Телефонлар: 265-98-91, 265-98-92.**

**Танлов эълон чиққан кундан бошлаб бир ой муддатда ўтказилади.**

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ва «ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»

**Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (3712) 233-21-56. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 223-хона.**



Оромгоҳларда

# ЁШЛАР ГИЁҲВАНДЛИККА ҚАРШИ

***XX аср айтиш жоизки инсоният учун тараққиёт ва юксалиш даври бўлди. Аммо афсуски, бу 100 йиллик инсоният ҳаётига раҳна солувчи — гиёҳвандлик иллатининг пайдо бўлишига ҳам замин яратди.***

Шу боис 1987 йилдан бошлаб БМТнинг бош ассамблеяси таклифи билан ҳар йили «Бутунжаҳон гиёҳвандликка қарши кураш куни» ўтказиб келинади.

Ана шундай хавфли оғунинг олдини олиш мақсадида мамлакатимизнинг турли ҳудудларида гиёҳвандликка қарши курашишга қаратилган тадбирлар ташкил этилмоқда. Шаҳримиздаги «Гулбаҳор» ёзги дам олиш оромгоҳида Тошкент шаҳар саломатлик ва тиббий статистика институти томонидан уюштирилган «Биз ёшлар гиёҳвандликка қаршимиз!» мавзуидаги тадбир ҳам шулар жумласидандир.

Кўпчиликка маълумки, гиёҳвандликка ружу қўйган кимсалар ўзининг маънавий қиёфасини йўқотади, ақл-идрок, фикрлаш, эслаш қобилияти, руҳиятини бутунлай издан чиқаради. Уларда ҳаё, ҳурмат, иззат, меҳр-оқибат каби инсоний фазилатлар йўқолади, натижада жамиятдан ажралиб қоладилар. Уларнинг ҳаёт тарзи фақат гиёҳ моддаларни топишдан ва истеъмол қилишдан иборат бўлиб қолади. Бу йўлнинг охири эса ўлимга олиб келади.

Мазкур тадбирни ёшлар ўртасида ўтказишдан асосий мақсад, уларга гиёҳвандликнинг зарарли оқибатларини тушунтириш, спортга бўлган иштиёқини оширишдир, чунки спорт билан шуғулланган боланинг бўш вақти кам бўлади, бекорчиликдан зарарли одатларни ўрганмайди.

Спорт мусобақалари, эстафета, асфальтга расм чизиш ва викторина тарзида бўлиб ўтган тадбир қизиқарли баҳсларга бой бўлди.

Мусобақалар сўнгида ғолибларга фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари берилди.

**Отабек ОТАЁРОВ**

***Пойтахтимиз аҳолисини турли кўринишдаги фавқулодда вазиятлардан муҳофаза этиш, аҳолини тўғри ҳаракат қилишга ўргатиш борасида режага мувофиқ қатор муҳофаза тадбирлари амалга ошириб келинмоқда.***

Туманларда

# КЕНГ КЎЛАМЛИ ЎҚУВ МАШҚЛАРИ

Ҳамза туманида ўтказилган «Ҳамза тумани бошқарув органлари, ФВДТ ҳудудий функционал қуйи тизимларининг табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлар оқибатларини бартараф этиш бўйича ҳаракатлари» мавзусидаги қўмондонлик-штаб ўқув машқи ҳам ана шундай тадбирлардан бири бўлди.

Таъкидлаш жоизки, мазкур тадбир бошланишидан олдин махсус тайёргарлик кўрилиб, туман ҳудудидаги фуқаро муҳофазаси хизматлари, корхоналар, ташкилотлар, тиббиёт, ўқув муассасалари ва иқтисодиёт объектларида фуқаро муҳофазаси соҳасидаги мавжуд қонунлар талаблари, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар бажарилишининг олиб борилиши юзасидан комплекс текширувлар амалга оширилди.

Тадбирда ФМ хизматлари бошлиқларининг соҳа бўйича билимлари, турли вазиятлар орқали тўғри қарор қабул қилиш, иқтисодиёт объектларини фавқулодда вазиятларда барқарор фаолият кўрсатиши, жабрланганларга тез тиббий ёрдам кўрсатиш, таълим муассасаларида фавқулодда вазиятлар содир бўлганда хабар бериш тизими бўйича ҳаракат қилиш, аҳолини эвакуация қилиш тадбирларини режалаштириш масалалари кўриб чиқилди. Туман Фуқаро муҳофазаси бошлиғи томонидан тегишли хизматларга ўқув машқи давомида ҳудудларни ободонлаштириш, ариқ ва каналлар ўзанларини тозалаш, қирғоқларни мустаҳкамлаш, чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш, электр, газ, сув, канализация тизимларининг бир меъёрда фаолият кўрсатишини таъминлаш мақсадида профилактик чора-тадбирларни ўқув машқи давомида олиб борилиши юзасидан вазифалар юкланди.

Қўмондонлик-штаб ўқув машқининг биринчи босқичида Ҳамза туманидаги Қурувчилар кўчаси ҳудудида «Ҳамза тумани Фуқаро муҳофазаси хизматлари ҳамда иқтисодиёт объектларида мавжуд махсус ва оғир муҳандислик техникалари ва фуқаро муҳофазаси хизматларининг куч ва воситаларининг саф кўриги» уюштирилди.

Тадбирнинг иккинчи куни «Тошкент Ёғ-мой комбинати» ОАЖ «Объект ҳудудида зилзила содир бўлганида объект ходимлари ва фуқаро муҳофазаси тузилмаларининг ҳаракатлари», «Янгиобод» маҳалла фуқаролар йиғинида «Маҳалла ҳудудида зилзила содир бўлганида аҳолини хавфсиз жойга эвакуация қилишда маҳалла раиси ва туман фуқаро муҳофазаси хизматларининг ҳаракатлари», тумандаги 52-сонли ва 307-сонли умумтаълим мактабларида «Зилзила содир бўлганида мактаб ўқитувчи ва ўқувчиларига биринчи тез тиббий ёрдам кўрсатиш ва уларни хавфсиз жойга эвакуация қилишда мактаб раҳбарияти ва фуқаро муҳофазаси тузилмаларининг ҳаракатлари» мавзуларида, шунингдек, «Муштарий бизнес савдо» МЧЖда, «Қўйлиқ кўприклар темир-бетон қурилмалари» заводида «Табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлар содир бўлганида оқибатларини бартараф этишда объект раҳбарияти ва фуқаро муҳофазаси тузилмаларининг ҳаракатлари» мавзусида тактик-махсус ўқув машқлари ўтказилди.

Қўмондонлик-штаб ўқув машқининг учинчи куни якунловчи босқичи «Ҳамза тумани ҳудудидан оқиб ўтувчи «Пул емас» канали қирғоқларини тозалаш ва техник-мустаҳкамлаш ишларини олиб боришда туман фуқаро муҳофазаси хизматларининг ҳаракатлари» мавзусида бўлиб ўтди. Ушбу тадбир доирасида «Пул емас» каналида санитария-гигиеник тозалигини ташкил этишда Давлат санитария-эпидемиология назорати марказининг ҳаракатлари» мавзусида тактик-махсус ўқув машқи билан давом эттирилди. Ҳамза темир йўл касб-ҳунар коллежи ҳудудида «Зилзила содир бўлганида коллеж ўқитувчи ва талабаларини хавфсиз жойга эвакуация қилишда коллеж раҳбарияти ва фуқаро муҳофазаси тузилмаларининг ҳаракатлари» мавзусида тактик-махсус ўқув машқлари ўтказилди.

Қўмондонлик-штаб ўқув машқининг ниҳоясида туман ҳокимлигида туман ҳокими – Фуқаро муҳофазаси бошлиғи ҳамда Фавқулодда вазиятлар бошқармаси бошлиғи раҳбарлигида туман раҳбарияти, ташкилот, корхона ва барча муассасалар раҳбарлари иштирокида Қўмондонлик-штаб ўқув машқида амалга оширилган ҳаракатлар юзасидан якуний муҳокама ўтказилди. Муҳокамада Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси бошлиғи объектларда ўтказилган махсус-тактик ўқув машқларида амалга оширилган чора-тадбирлар, йўл қўйилган камчиликлар юзасидан таҳлилий маъруза қилди ва унинг натижалари юзасидан тегишли туман раҳбарларига кўрсатмалар берди.

Ҳамза тумани ҳудудида бўлиб ўтган қўмондонлик-штаб ўқув машқига жами бўлиб 5985 нафар раҳбар ва ходимлар, 255 та автотехника воситалари жалб қилиниб, қўмондонлик-штаб ўқув машқи якуни бўйича туман Фуқаро муҳофазаси хизматлари фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва унинг оқибатларини бартараф этишга тайёр деб баҳоланди.

**Азамат СУЮНОВ**



# МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

**Кўпчиликнинг икки қиёфаси бор.**

* * *

**Бировга теккизиб гапирган ёмон.**

* * *

**Феъли ёмонга эли ёмон.**

* * *

**Аҳмоқнинг олдида ўзингни оқлашга уринишнинг ҳожати йўқ.**

* * *

**Яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам инсоннинг асли табиатида бўлади.**

* * *

**Бировнинг ишончига кириш қийин.**

* * *

**Бу дунёнинг ташвишлари ўз йўли билан ҳал бўлиб кетади – уларнинг бирортаси ўйлаб қийналишга арзимайди.**

* * *

**Биров очиб қўйган тайёр йўлдан ҳамманинг ҳам юргиси келади.**

* * *

**Кўп ўйлаган кам сўйлайди.**

* * *

**Ишлаганнинг тиши ўткир бўлади.**

* * *

**Ота-оналар кўпинча ўз манфаатларини ўйлаб, фарзандларининг бахтсизлигига сабаб бўлишади.**

* * *

**Эркак ақлига ишонади, аёл макрига.**

* * *

**Майдакорнинг иши унмас.**

* * *

**Бахтини танлашда адашган бир умр бадбахт бўлиб ўтади.**

* * *

**Одамларнинг гап-сўзидан қочиб қутулолмайсан.**

* * *

**Бир қилган гуноҳинг бир умр таъқиб этади.**

* * *

**Муваффақиятингдан эмас, муваффақиятсизлигингдан қувонадиганлар кўп.**

* * *

**Сен энг олий ҳақиқат деб билганинг кўпинча энг ёмон ўйин бўлиб чиқади.**

* * *

**Меҳр-муҳаббат талаб қилиб олинмайди.**

* * *

**Кимнинг хаёлига ёмонлик келмас,**
**Кимнинг хаёлидан ёмонлик кетмас.**

* * *

**Ким нима деганини билмайди,**
**Ким нима еганини.**

* * *

**Кимнинг қўли-қўлига тегмайди,**
**Кимнинг лаби-лабига.**

* * *

**Оқил иши битганини кўради.**

* * *

**Фақат нодонгина ўтган умрига ишонмайди.**

* * *

**Ақлли одам ақлсиз иш қилмайди.**

* * *

**Иш юришмаса, руҳ чўкади.**

**(Давоми бор)**

**Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган**

***Ўлкамизда ёз мавсуми бошланиб, ҳар хил юқумли ошқозон-ичак касалликлари кўпаймоқда. Ушбу касалликларнинг тарқалишида пашша ва чивинларнинг ўрни катта.***

Мутахассис огоҳлантиради

# ПРОФИЛАКТИКА ҚОИДАЛАРИГА РИОЯ ҚИЛИНГ

Пашшалар жуда тез кўпайиб, ифлос оёқлари билан ҳар хил юқумли ошқозон-ичак касалликларини тарқатиши мумкин. Улар асосан ахлат уюмларига тухумларини қўйиб кўпаядилар.

Чивинлар эса кўп қаватли уйларнинг суви бор ертўлаларида, ариқларда кўпайиб, аҳоли тинчлигини бузади ҳамда ҳар хил аллергик касалликларнинг ҳам келиб чиқишига сабаб бўлади. Ушбу юқумли касалликларнинг олдини олиш учун аввало, санитария-гигиена қоидаларига риоя қилиш керак. Хонадоннинг озода ва саришта бўлишини таъминлаш, чиқиндиларни оғзи берк идишларда сақлаш ва тезликда керакли белгиланган жойга ташлаш зарур.

Пашшалар хонага кирмаслиги учун пардалар тутиш зарур. Чивинлар кўпайишининг олдини олиш учун ертўлаларда сувларнинг бўлмаслигини таъминлаш, ариқларда ҳам оқмайдиган сувларнинг йиғилишига йўл қўймаслик лозим. Уй шароитида пашшаларга қарши пашша ургичлардан фойдаланиш мумкин. Оқава сувларга чивин кўпаймаслиги учун ҳар хил техник мойларни қуйиш мумкин.

Бозорларда сотиладиган пашша ва чивинга қарши ҳар хил препаратларни билиб, билмай харид қилманг. Улар жуда заҳарли ва нохуш ҳолатларни вужудга келтириши мумкин. Энг яхшиси, барча туманларда мавжуд бўлган ҳудудий дезинфекция станцияларига мурожаат қилсангиз, ишингиз тез ва осон битади.

**Меҳри НУРМУҲАМЕДОВА,**
**Тошкент шаҳар Дезинфекция станциясининг Профилактик дезинфекция бўлими бошлиғи, олий тоифали шифокор**

Билиб қўйган яхши

# СУЗМАНИНГ ТИББИЙ ХОСИЯТЛАРИ

***Маълумки, сут маҳсулотларининг ҳаммаси инсон саломатлиги учун фойдалидир. Улар орасида сузманинг ўз ўрни бор. Унинг инсон саломатлигини мустаҳкамлашда фойдаси катта, албатта.***

Шуни айтиш лозимки, сузма тана аъзоларининг оқсилга бўлган талабини бемалол қондириши мумкин.

Биолог олимларнинг илмий-амалий таҳлилларига кўра, сузма таркибида турин моддалари йўқлиги сабабли, у жигар фаолиятини ва модда алмашувини осонлаштирувчи хусусиятга ҳам эгадир.

Сузма таркибида сут ёғи, каротин, токоферил каби витаминлар ва маъданли тузларга бойлиги билан ажралиб туради. Сузмада, айниқса, кальций тузи мўл бўлиб, синган суякларнинг тез тузалишига яхши ёрдам беради. Шунингдек, сузманинг жигар фаолиятини яхшилаш ва паришонхотирликни бартараф этишда ҳам аҳамияти катта. Шунинг учун ҳам сузмани вақти-вақтида тановул қилиб туриш фойдадан холи эмас.

**Турсунхўжа АЗЛАРХОНОВ тайёрлади**


РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

*Кўчмас мулк сотишни ёки сотиб олишни хоҳлайсизми?*

*Бу борада ишончли ҳамкор излаяпсизми?*

*Унда шошилиб таваккал қилманг.*

*Акс ҳолда, вақтингиз ҳамда нақдингизни беҳудага совуришингиз мумкин.*

"KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI" МЧЖ

Кўчмас мулк бозорида 1-сонли риэлторлик лицензиясига эга бўлган "KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI" МЧЖ Сизга кўчмас мулк, хусусан ишлаб чиқаришга доир бино-иншоотлар ҳамда тураржой биноларини сотиш ва сотиб олишда ишончли хизмат кўрсатади.

Бунинг учун жамиятимизнинг юқори малакали мутахассисларининг (+99890) 998-62-72, 977-82-55, 977-77-85 телефон рақамларига қўнғироқ қилинг ва улар билан тўғридан-тўғри боғланинг. Кўчмас мулкингизни оммавий тарзда ўтказиладиган савдоларда шаклланган ҳақиқий нархлар билан таққослаган ҳолда республика миқёсида тарғиб этилиб, энг юқори нархда сотилиши кафолатланади.

Маслаҳат ва консалтинг хизматлари қонунчиликда белгиланган тартибда, шартномалар асосида амалга оширилади. "KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI" МЧЖ томонидан кўрсатиладиган хизматлар сифати, қулайлиги ва арзонлиги билан Сизни, албатта, қувонтиради.

Мурожаат қилинг ва барака топинг!

*Унутманг! "Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ кўчмас мулк бозорида энг биринчи ва энг ишончли ҳамкордир.*

Лицензия: RR-0001


ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

*Тошкент шаҳрида **5 июль** куни ҳаво бир оз ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 5-10 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 18-20, кундузи — 37-39 даража иссиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **5 июлда** Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз йиғилишига имконият яратади. Атмосферанинг ифлосланиш даражаси 1-3 фоиз кўпайиши тахмин қилинмоқда, тагмиқдори паст бўлади.*


Тошкент оқшоми

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (371) 232-11-39

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

• Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

ISSN 2010-9229

Бизнинг электрон манзил: vto2007@mail.uz

Буюртма Г- 741

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади

Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 5102 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашр учун масъул Д. Исроилов

Босишга топширилди: 15.00

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

1 2 3 5